ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

СЕЙСМИК ТУМАНЛАРДА ҚУРИЛИШ

ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИ

ШНҚ 2.06.11-04

Расмий нашр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ 2006

УДК 627.8 : 699.841

ШНҚ 2.06.11-04 «Сейсмик туманларда қурилиш. Гидротехника иншоотлари» Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси, Тошкент, 2004.

«Гидропроект» ОАЖ томонидан **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН** (В.В.Митюлева - мавзу раҳбари, технико-фанлари номзоди В.Ф.Илюшин,М.А.Бабошкина) Х.М.Абдуллаев номидаги УЗР ФА геология ва геофизика институти иштирокида (физика-математика фанлари номзоди Б.С.Нуртаев, техника фанлари доктори Л.М.Плотникова)

КИРИТИЛГАН: «Узбекенерго» ДАЖ

МУҲАРРИРЛАР: Ф.Т.Мирзаев, С.Д.Жигарев («Гидропроект» ОАЖ)

Давлат тилига таржимаси: Ильясов Б.К. «Гидропроект» ОАЖ таржимони

ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАНГАН: Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш лойиҳа корҳоналарининг фаолияти моноторинги буйича бошқармаси томонидан

ШНҚ 2.06.09-03 «Сейсмик туманларда қурилиш. Гидротехника иншоотлари» нинг амалга киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси худудида СНиП II-7-81* «Сейсмик туманларда қурилиш»нинг 5 боби ўз кучини ёқотади.

КЕЛИШИЛДИ: Ўзбекистон Республикаси Фавкулодда Вазиятлар Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат Инспекцияси, Давлат Акциядорлик Компанияси «Ўзбекенерго», Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сувхўжалиги Вазирлиги

Меъёрий ҳужжатдан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Давархитекқурилиш ва Давстандарт томонидан нашрга чиқарилган шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари шунингдек давлат стандартлари юзасидан ўзгартиришлар хисобга олиниши лозим.

Ушбу хужжат Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиши рухсатисиз расмий хужжат сифатида тўлиқ ёки қисман қайта ишланиши чоп этиши ва тарқатиши мумкин эмас.

қўмитаси (Давархитектқурилиш)	Сейсмик туманларда қурилиш. Гидротехника иншоотлари	СНиП II-7-81* 5 боби ўрнига

Ушбу меъёрлар РСТ Уз 836-97 шкаласи бўйича 7,8 ва 9 баллик сейсмикга эга туманларда янгитдан қурилувчи кенгайтирувчи ва қайта лойихаланувчи гидротехника иншоотларига бўлган талабларни ўрнатади.

1.АСОСИЙ НИЗОМЛАР

1.1. Гидротехник иншоотларнинг юкланишларнинг алоҳида уйғунликка хисобида сейсмик таъсирнинг иккита холати кўриб чиқилиши керак:

асосий базис зилзиласи (АБЗ);

максимал лойихавий зилзила (МЛЗ).

АБЗ сифатида хисобий фойдаланий муддати даврида бир мартадан кўп буймаган - 200 йилда бир қайтариладиган (0,5% таъминланганлик) зилзила қабул қилинади. АБЗга тўғри келувчи сейсмик таъсирга хисоб ҳамма гидротехник иншоотлар, сув омбори ва иншоот доирасидаги қирғоқ қияликлари учун бажарилиши лозим. Хисобий фойдаланиш муддати лойихалаш топшириғида курсатилиши лозим. IIIсинфга оид иншоотлар учун хисоб 100 йилда бир қайтариладиган (1% таъминланганлик) АБЗга қилиниши мумкин.

МЛЗ сифатида 10000 йилда қайтариладиган (0,01% таъминланганлик) олинади. I синф сув дамловчи иншоотларнинг сейсмик таъсирга хисоби МЛЗларнинг максимал жадаликка эга бўлганича қилиниши лозим.

1.2 Гидротехника иншоотлари қуриладиган туманнинг дастлабки сейсмиклиги ҚМҚ 2.01.03- 96 «Сейсмик туманларда қурилиш»нинг 1ва 2 мажбурий иловаларига мувофиқ равишда аниқланади.

Қурилиш майдоннинг сейсмиклиги батафсил сейсмик микротуманлаштириш (БСТ) асосида аниқланиши лозим.

эга бўлган.

Гидротехник иншоотлар майдонинг хисобий сейсмиклиги, махсус илмий текшириш институтлари ёки сейсмологик йўналишли изланиш ташкилотлари томонидан бажариладиган сейсмик

Киритилган «Узбекэнерго ДАЖ»	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 21 декабр 2004 й. № 76 сон қарори билан тасдиқланган	Амалга киритилиш муддати 1 феврал 2005 й.

микротуманлаштиришнинг асбобий услублари билан аниқланиши лозим.

1.3. I-синф сув дамловчи гидротехника иншоотлари учун СМТ изланишлари материаллари қуйдагиларни ўз ичига олиши лозим:

қурилиш олиб борилувчи туманнинг майдондан 100-200 км бўлган радиусдаги геолого-тектоник вазияти тавсифи ва сейсмик режими:

асосий сейсмоген доиралари чегаралари ва уларнинг сесмологик тавсифлари (максимал магнитудалар, ўчоқлар чуқурлиги ва эпицентрал масофалар, зилзилалар такрорийлиги);

иншоот асосидаги қолдик деформациялар вужудга келиши мумкин бўлган доиралар чегаралари ва улар қийматларини баҳоланиши;

хамма ажратилган доиралардан туманнинг геолого-тектоник ўзига хослиги ва майдончанинг мухандислик-геологик шароитини қамраб олган хисобий сейсмик таъсирнинг параметлари.

танланган майдондаги сейсмик таъсирларнинг асосий кўринишларини моделлаштирувчи хусобий ёзувлар жамламаси
(акселерограммалар, велосиграммалар, сейсмограммалар);

сейсмик режим параметрларининг сув омборини тўлдириш ва ундан фойдаланиш жараёнидаги таъсири остида ўзгаришининг бахоланиши;

сув омборига катта масофадаги тоғ жинсларини ағдарилиб тушиш хамда иншоот устига нотурғун қояли массивларни сейсмик таъсирлар натижасида тушиш эхтимолларнинг баҳоланиши.

1.4. Босимсиз гидротехника иншоотларининг барча синфлари учун II, III, IV синф босимли гидротехника иншоотлари, шунингдек I синф сув босимли гидротехника иншоотларининг (техник-иқтисодий хисоблаш-тих ва техник –иқтисодий асослаш ТИА) асосланишида қурилиш майдонининг сейсмиклигини бахолашни амалга ошириш, туманнинг сейсмиклигидан келиб чиºган холда ҚМҚ 2.01.03-96 «Сейсмик туманларда қурилиш»нинг 1 ва 2 мажбурий иловаларига мувофиқ холда хамда мухандислик –геологик изланишлар натижасида 1 жадвалга мувофиқ тарзда амалга оширишга йўл берилади.

1 жадвал

Сейсмик хусусиятлари бўйича тупроқ категорияси	Тупроқлар	Туманнинг сейсмикдаги майдоннинг сейсмиклиги балларда		
		7	8	9
I	Барча кўринишдаги қояли тупроклар, нурамаган ва кучсиз нураган; таркибида 30%гача кум тупроқли тўлдирувчи бўлган йирик бўлинган тупроқлар (катта бўлакли тошлар, парчалар)	6	7	8

II	Нураган ва кучли нураган қоя тупроқлари; Йирик бўлакли тупроқлар (тошқотишмали, шағалли, шағалсимон, йирик қумли) шағаллашган ва ўртача йирикликдаги зич ва ўрта зичликдаги оз намлик ва намликга эга қумлар, майда ва чангсимон зич ва ўрта зичликдаги оз намликга эга булган қумлар; тупроқлар учун e<0,9 қумлоқ тупроқлар учун e<0,7 ғоваклик коэфициентига эга бўлган консистенция кўрсаткичи I_L≤0,5 тупроқлар	7	8	9
III	Намлик ва йириклигига боғлик бўлмаган юмшоқ бўш қумлар; йирик ва ўрта йирикликдаги зичлашган ва ўрта йирикликдаги зичлашган ва зичликга эга бўлган сувга тўйинган шағалли қумлар; Майда ва чангсимон зичлашган ва ўрта зичликга эга бўлган нам сувга тўйинган қумлар; консистенсия кўрсаткичи I_L>0,5 бўлган лойтупроқлар; ғоваклик коэффициенти тупроқ ва қум тупроқлар учун e≥0.9 қумлоқ тупроқлар учун e≥0,7 ғоваклик коэффициентига эга бўлган I_L≤0,5 консистенция кўрсаткичига эга бўлган лой тупроқлар	8	9	> 9

ЭСЛАТМАЛАР:

1. ҚМҚ 2.01.03-96 мажбурий 1 иловасида кўрсатилган сейсмик таъсирларининг жадаллиги ва такрорийлиги ўртача сейсмик хусусиятларга эга бўлган қисмларга тааллуқлидир (1жадвалга мувофиқ II тоифа)

2. Жадвалда келтирилган қурилиш майдони тупроқларининг ғоваклик коэффициенти қийматлари e ва консистенция кўрсаткичи I_L, уларни сув омборлари тўлдиришида сув босиш эҳтимолини хисобга олган холда аниқланиши лозим.

3. Бир жинсли тартибга эга бўлмаган тупроқлар бўлган холатда агар 10 метр атрофдаги қалинликга эга тупроқларда (иншоот асосининг таглигидан бошлаб хисобланганда) Бу тоифадаги тупроқ қатлами 5 м. дан ортиқ жаъми қалинликга эга бўлади.

4. Тупроқ қатламида соғ тупроқ кўринишидаги чўкма тупроқлар мавжуд бўлишида хисобий сейсмиклик, чўкиш холатини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилгандан кейин асосни суний тарзда яхшилаш натижалари хосил қилинганидан сўнг аниқланади.

5. Зарурий холларда қумтошли, лой тупроқли, қумтошли ва чангсимон, лой тупроқли ёйма тупроқларда қурилиш олиб боришда сизот сувларининг чуқурлиги 5м.дан кам бўлишида, сейсмик хусусиятлари бўйича тупроқлар тоифасини аниқлаб олиш учун батафсил мухандислик –геологик ёки мухандислик –геофизика тадқиқотлари олиб борилиши лозим.

1.5. 6 баллик сейсмикликка эга туманларда III тоифа тупроқлари устида гидротехника иншоотлари қурилишида, майдон сейсмиклиги 7 балл этиб олиниши жоиз.

1.6. 9 баллик сейсмикликга эга туманларда III тоифа тупроқлари устида гидротехника иншоотлари қурилишга фақат махсус асослашлар билан бирга йўл қўйилади. III тоифа тупроқлари устида эса I ва II синф сув гидротехника иншоотлари қурилишига йўл қўйилади.

1.7. Сейсмик туманларда барпо этилган сув босимли гидротехника иншоотлари, имкони борича тектоник ёриқлардан узоқлашган қисмларда жойлаштириши лозим. Гидроузелларнинг асосий иншоотлари қояли массивда жойлаштирилиши лозим, қайсики бунда сурилишлар содир бўлиш мустаснодир.

Асосий эътибор тупроқни мустаҳкамлаш ва иншоотларни асос билан бирикишларини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни изчил бажаришига қаратилиши лозим. Зарурий холларда лойиҳалаштирилаётган иншоотнинг асосини ташкил этувчи қояли блокларнинг нисбий сурилишлари эҳтимоли юзага келиши холатларини текшириш учун, махсус давомий тарзда асбобларга оид (геодезик ва б.) кузатувлар ўтказилади.

Гидротехника иншоотлари асосида кучсиз тупроқ қатлами мавжудлигида (лойқа чўкмаси, юмшоқ қайишкок, тупроқлар ва б.)бу тупроқларни олиб ташлаш ёки уларни зичлаштириш ёки махкамлаш бўйича махсус тадбирлар кўзда тутилиши лозим. Бундай тупроқлардан юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларни ишга солмасдан гидротехника иншоотлар асоси сифатида фойдаланиш махсус тадқиқотлар орқали асосланиши лозим.

1.8. Барча гидротехника иншоотларининг иншоот белгисида бўлгани каби сув омбори доирасидаги асослар ва қирғоқ ёнбағирлари хисоблари, асоснинг шартли тезланишлари A (g эркин тушиши тезланиши улушларида белгиланган) билан берилган таъсирлари мавжудлигидаги чизиқли спектрал назария (ЧСН) бўйича аниқланувчи статистик юкланишда амалга оширилиши лозим. Хисоблашлар алоҳидаги кўринишдаги гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш бўйича ҚМҚ боблари талабларига боғлиқ равишда амалга оширилиши лозим. Хисобларда иншоот массаси зилзила натижасида сув омбори тўлқинларидан юзага келувчи юкланишлар ёки гидродинамик босимлар вужудга келувчи сейсмик юкланишлар хисобга олиниши лозим.

1.9. I синф сув ўтказгичли гидротехника иншоотлари учун уларнинг $J>7$ сейсмикликга эга туманларида жойлаштиришда, зилзилалар, акселерограммалар билан берилган сейсмик таъсирларга бўлган хисоблар амалга оширилиши лозим. Ушбу холатда лойиҳалаш ташкилоти томонидан махсус техникавий шартлар ишлаб чиқилиб уларда:

сейсмик таъсирлар вазифасининг схемаси, турли йўналишлардаги тезланишлар орасидаги нисбатлар, даранинг периметри бўйича амплитудаларининг ўзгариши иншоот асосининг турли нуқталарида таъсирлар кириб келишининг вақт бўйича сурилиши кабилар аниқланади;

хисобий ёки экспериментал тадқиқотларнинг асосий низомлари ўрнатилади;

асослар тупроқлари ва иншоотлар қурилиш материалларнинг қабул қилиниши моделлари чегараларидаги физик-механик хусусиятларини тадқиқ этиш юзасидан экспериментал дала ва лаборатория изланишларини ўтказиш тартиби ва услуби аниқланади;

иншоотнинг чегаравий тутиб туриш лаёқатини аниқлашга имкон берувчи хамда унинг сейсмик жихатдан турғунлигини баҳолаш юзасидан мезонлар таърифланади.

Гидротехника иншоотлари сейсмиклигининг асос тезланишларининг асбобларга оид ёзувлари ёки синтезлаштирилган акселерограммаларидан фойдаланган холдаги хисобларда асос тезланишлари максимал амплитудалари мувофиқ равишда қурилиш майдонларининг сейсмиклигини 7,8 ва 9 балл бўлгандаги холатида камида 120, 240 ёки 480 см/с^2 этиб олиниши лозим. Хисоблашда тузилмаларнинг ноқайишқоқ деформацияларининг
ривожланиш эҳтимоллари хисобга олиниши лозим.

I синф сув ўтказгичли гидротехника иншоотлари учун сейсмик таъсирларига бўлган хисоблар билан бир қаторда экспериментал, шу жумладан моделларга оид изланишлар ўтказилиши жоиз: қисман барпо этилган ва амал қилинаётган иншоотларда иншоотларниг динамик тавсифларини хамда уларни хисоблаш бўйича қўлланилувчи услубларни аниқлаш учун улар устидан кузатувлар ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

1.10. Гидротехника иншоотлари материалларнинг деформацион ва мустаҳкамлик тавсифлари сейсмик таъсирларининг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган холда аниқланиши лозим. Деформацион тавсифлар, иншоотниниг бутун кесими ёки ҳажми бўйича ўртача қийматга келтирилиши билан қабул қилишга рухсат этилади, иншоотнинг 1.7б. бўйича хисобланишида эса статик мустахкамлик тавсифларидан фойдаланилади. Гидротехника иншоотлари асос тупроқлари ва материалларнинг динамик деформация ва мустахкамлик хусусиятларининг 1.8б бўйича хисобларда фойдаланувчи тавсифлари
экспериментал йўл билан аниқланиши лозим.

1.11. Сув ўтказгичли гидротехника иншоотлари хисобий схемалари ҚМҚ бобларига мувофиқ келувчи талабларига биноан иншоотларнинг тури ва тузилмавий хусусиятларига дарё оқими белгисининг топографик шароитлари, асосан тупроқларнинг геологик тузилиши ва хусусиятлари,

сейсмик таъсирларининг йўналиши ва бошқа омилларга боғлиқ равишда танланади.

1.12. Қирғоқ қияликларини хосил қилувчи ва уларни зилзила пайтида сурилиши ва пастга сирғаниши гидроузел асосий иншоотларига зарар келтириши ёки кучли тўлқин хосил бўлиши мумкинлиги юзасидан турғунликга бўлган текшириш ўтказилиши зарур. Қояли массивлар турғунлиги биринчи гуруҳниниг чегаравий холатлари кириб кела бошлаши билан сейсмик инерцион юкланишларни хисобга олган холда текширилади. Алоҳида қояли массивнинг сейсмик таъсирларига бўлган зилзила акселерограммаси орқали берилувчи турғунлигини текшириш холларида, текширилаётган массивнинг турғунлигини ва хисобий кўрсатгичдан 1 балгача камроқ жадалликда бўлган такрорий зилзила таъсиридаги миқдорда қолдиқ сурилишига йўл беришига рухсат этилади.

1.13. Иншоотларнинг I ва II синфлари учун лойиҳа таркибига албатта иншоотлар, уларнинг асослари ва қирғоқ қияликларини зилзилалар пайтида ўзини қандай тутиши устидан асбобларга оид кузатишларни ташкил этиш бўйича 1 мажбурий илова талабларига мувофиқ равишдаги қисм киритилиши лозим.

1.14. Турлича мухандислик геологик шароитларда барпо этилувчи иншоотларнинг I ва II синфлари учун ЎзР Давархитектқурилиш билан келишган холда муҳандислик- сейсмометрик хизмати (МСХ) станцияларини ўрнатишни кўзда тутиши лозим.

1.15. Гидроузеллар таркибига кирувчи бинолар, кран, эстакадалар, электр узатгич тиргаклари ва бошқа объектларни лойиҳалаштириш ҚМҚ2.01.03-96. Ушбу объектларни асосий гидротехника иншоотларида ёки улар билан туташ жойларда, хисоблашларда асосий иншоот томонидан узатилувчи тезланиш орқали берилувчи сейсмик таъсир хисобга олиниши лозим.

1.16. Қувур ўтказгичларни лойиҳалаштириш ҚМҚ2.01.01-96 «Сейсмик туманларда қурилиш» нинг 4 қисми кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2. ТУПРОҚ МАТЕРИАЛЛАРИДАН БАРПО ЭТИЛУВЧИ ТЎ/ОНЛАР

Умумий низомлар

2.1. Тупроқ материалларидан сув дамловчи иншоотларни лойиҳалаштиришда, бундан буён «тупроқ тўғонлари» деб аталувчи

(тўғонлар, улагичлар, тўсувчи дамбалар), шунингдек сув омборларининг қояга оид бўлмаган қирғоқ қияликларини турғунлигини хисобий асослаш учун ушбу қисм талаблари хисобга олиниши лозим.

2.2. Тупроқ тўғонлари учун зилзила пайтида хосил бўлган хавфли асоратларга олиб келмайдиган қолдик деформациялар ва шикастликлар (чўкиш, сурилиш, ёриқлар ва б.) бўлишига йўл берилади, шу шарт биланки, агар асоратлар иншоотни зилзиладан сўнг тамирланишида бартараф этилиши мумкин бўлса. Хисобий зилзиладан 1 балл кичик жадалликка эга зилзиланинг қайта таъсирида босимли тараф иншоотларнинг таъмирсиз сақланиши лозимлиги хисобга олиниши керак.
МЛЗ таъсирида чегаравий қайтмас деформациялар қурилиш майдонининг табиий шароитларини, тузилманинг хусусиятларини ҳамда иншоотдан фойдаланиш шароитларини хисобга олиб тайинланиши лозим.

2.3. Барча синфдаги тупроқ тўғонларнинг сейсмик турғунлигини хисобларида лойиҳалаштиришнинг дастлабки босқичларида (ТИҲ,ТИА) фақат сурилиш деформациясида («сурилиш понаси» услуби СПУ) асоснинг горизонтал тебранишини бошидан кечирувчи ўзгарувчи (учбурчак ёки трапецияга оид) кесимли консол стерженнинг якка бирликдаги схемасидан фойдаланиши лозим. III-IV синф тупроқ тўғонларини лойихалаштирилишнинг оддий холатларида (масалан, сувга тўйинган асос ва иншоот тупроқларининг ивиб юмшоқлашиш холатларида) Бу схемадан шунингдек лойиҳалаш ва ишчи хужжатлар тайёрлаш босқичларида фойдаланилади.

2.4. I-II синф тупроқ тўғонларнинг *J>7* балл сейсмикликга эга туманларда барпо этилишида улар тупроқларнинг сейсмиклик хисоблари текис (деформация бўйича) ёки буткул муҳитлар динамикаси фазовий масалалари шартлари бўйича асоснинг берилувчанлиги, сув омборини тўлдирувчи сув билан ўзаро таъсири ва бошқа омиллари хисобга олган холда бажарилиши
лозим.

Жойлаштириш ва тузилмага оид тадбирлар

2.5. Тупроқ тўғонларининг асоси ёки жисмида сувга тўйинган қувушмас ёки камқовушқоқ тупроқларнинг мавжудлигига уларнинг таркибнинг динамик жихатдан тургунлиги бўйича минимал йўл қўйилувчи зичлиги, шунингдек сейсмик таъсирлар остида бу тупроқларнинг юмшаши оқибатида сурилишларга бўлган қаршилигининг камайиш эхтимолини бахолаш амалга оширилиши лозим.

Бу тупроқларни сейсмик таъсирлар остида юмшаш эхтимоли бўлган холатларда уларни суний равишда зичлаштириш ёки эксперементал

тадқиқотлар асосида бажарилувчи махкамлаш ишлари кўзда тутилиши лозим.

2.6. Тупроқ тўғонларининг сув бардош элементлари сифатида қоидага кўра қайишқоқ ёки ярим қаттиқ ядро қабул қилиниши лозим. Бунда асосий эътибор фильтрланишга қарши элементларни асос ва қирғоқ қияликлари билан ишончли равишда бирикишининг таъминланишига эътибор берилиши лозим.

2.7. Тупроқ тўғонлари сув бардош элементларини дара чеккалари билан туташишини яхшилаш уларнинг қиялик миқдорини камайтириш ёнбағирларини қоя юзасини махсус тайёргарлик ёрдамида текислаш йўли орқали амалга оширилади. Фильтрланишга қарши жихозни қоя билан яхшироқ боғланишини таъмирлаш учун ядронинг асос билан туташиш доирасида энг мақбул намликда 2-3% юқорироқ намликка эга бўлган қайишқоқ тупроқ ёткизиш тавсия этилади. Ядронинг ёки экраннинг асос билан бириктиришни мумкин қадар бетон тиш ёрдамида бажарилиши лозим. Шунингдек цементацион галерея жихозланиши мақсадга мувофиқдир.

2.8. Тупроқ тўғонларининг юқориги сувга тўйинган призмалари босим ёқларида юқориги экранлари бўлган тўғонларни истесно этган холда, сейсмик таъсирларда юмшаб қолмаслик хусусиятига эга бўлган йирик доначалик тупроқ материалларидан (тош ташлаш, шағалсимон, тош қотишмали тупроқлар ва б.) лойиҳалаштирилиши лозим. Бундай материаллар мавжуд бўлмаган холда юқориги призма жисмига йирик бўлакли кучли равишда сув қочирувчи материаллар киритилиши мақсадга мувофиқдир.

2.9. Қияликлар турғунлигини ошириш учун ташқи призмаларни максимал тарзда айниқса тўғон юқори чўққисига яқин жойлашган доирада зичлаштириш, шунингдек қияликларни тош ташлаш билан ёки темир бетон плиталар билан махкамлаш кўзда тутилиши лозим.

2.10. Тупроқ тўғонларнинг сейсмик турғунлигини ошириш юзасидан мавжуд чора –тадбирларга шунингдек қуйидагилар киради:

иншоот баландлиги бўйича ўзгарувчан хар-хил сатхларда сурилишга қарши таҳминан бир хил турғунликдаги хусусиятга эга қияликларни тўлдириш;

тархда эгри чизиқ ҳосил қилувчи дўнгликларни ВБ тўғонлар ўқи томон (аркасимон) кўринишдаги шакл бериш;

дара чеккалари билан туташ жойларда ядро қалинлигини кўпайтириш;

тўғонлар бермаларини (айниқса юқори қияликда), шунингдек тўғонлар юқори чўққиларини кенгайтириш;

тупроқларни турли материаллар билан, кичик ва ўрта баландликдаги тўғонлар учун (масалан, метал тўр билан) арматуралаш;

баланд тўғонларнинг юқориги таянч призмаси чўққига яқин қисмини, ўзаро пўлат арматура билан қайишқоқ тарздаги горизонтал антисейсмик темирбетон элементлар билан жиҳозлаш;

тўғонларнинг юқориги чўққиси яқинида тупроқбетон доиралари жихозлаш.

Сейсмик юкланишлар ва таъсирлари

2.11. Тупроқ тўғонларнинг сейсмик турғунлик хисобларида қуйидаги сейсмик юкланишлар ва таъсирлар хисобга олиниши лозим: иншоотнинг оғирлигидан хосил бўлувчи сейсмик инерцион юкланишлар:

қўшилган сув массаси туфайли босим (ёки гидродинамик босим);

чўкинди лойқаларининг динамик босими.

Тўғон юқори чўққисини юқори бьефи хисобий сув сатхидан юқорилаштириш вазифаланишида сув омборида сейсмик таъсирлар натижасида юзага келувчи гравитация тўлқини хисобга олинади.

2.12. Тупроқ тўғонларнинг бир ўлчамли ва икки ўлчамли схемалар бўйича мустахкамлик хисобида горизонтал сейсмик таъсир хисобга олиниши лозим (иншоот ўқига бўйлама ва кўндаланг йўналишда).

Фазовий схема бўйича хисобда планда шу йўналишга эга ва горизонтал текисликка 30^0 бурчак остида йўналган сейсмик таъсирлар хисобга олиниши мақсадга мувофик.

Кўндаланг ва зарур холда бўйлама сейсмик юкланиш таъсири алоҳида хисобга олиниши лозим.

2.13. Тупроқ тўғонларининг турғунлик хисобида хавфли горизонтал (иншоот ўқига бўйлама ёки кўндаланг) ёки горизонтал текисликка 30^0 остида йўналган оғма сейсмик таъсирни, фазовий схема бўйича хисобда сейсмик таъсирнинг учта ташкил этувчисини хисобга олиш лозим.

Бунда асоснинг сейсмик тезланиш вектори модулининг қиймати A га тенг қилиб қабул қилинади.

2.14. k нуқтага қўйилган, ва хусусий тебранишларнинг i-тонга мувофиқ келувчи, тўғон оғирлиги туфайли танланган йўналишдаги хисобий сейсмик инерцион юкланиш S_{ik}, қуйидаги формула билан аниқланади:

$$S_{ik} = K_1 K_2 S_{oik} \qquad (1)$$

бунда K_1-йўл қўйилувчи шикастликларни хисобга олувчи коэффициент бўлиб, тупроқ тўғонлари учун 0,25 га тенг этиб қабул қилинади.

K_2- тузилмавий ечимларини хисобга олувчи коэффициенти бўлиб, тупроқ тўғонлари учун, уларнинг баландлиги 60м. гача бўлганда-0,8, 100м

дан баланд бўлганда-1: этиб қабул қилинади; бу баландликлар қийматлари оралиғида эса чизиқли интерполяция бўйича қабул қилинади.

S_{oik} - иншоотнинг хусусий тебранишларининг і-тони учун сейсмик юкланиш қиймати бўлиб, қаттиқ дефформацияланиш таҳминида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S_{oik} = Q_k A \beta_i K_\psi \eta_{ik} \quad (2)$$

Бунда Q_k иншоот элементининг k нуқтага оғирлиги бўлиб, бунда қўшилган сув массасини 2,24:2,25 б. кўрсатмаларига мувофиқ хисобга олиниши зарур.

A — коэффициент бўлиб, унинг қиймати 7,8,9 балл хисобий сейсмиклик учун мувофиқ равишда 0,12; 0,24; 0,48 сонларга тенг этиб қабул қилинади.

βi — иншоотнинг хусусий тебранишининг і- тонига мувофиқ келувчи динамиклик коэффициенти.

Динамик коэффициенти βi 1. Расмдаги графиклар бўйича, ёки кейинги тоифадаги тупроқлар учун Ti иншоотлар хусусий тебраниш даврларига боғлик равишда i- тон бўйича бўлган формулалар орқали қабул қилинади:

I тоифа βік$1/Ti$, аммо кўпи билан 3, $Ti \leq 0{,}15$с бўлганда эса қуйидаги формула бўйича

$$\beta_i = 1{,}5 + 10T_i \quad (3)$$

II тоифа βік$1{,}1/Ti$, аммо кўпи билан 2,7, $Ti \leq 0{,}15$с бўлганда эса қуйидаги формула бўйича

$$\beta_i = 1{,}5 + 8T_i \quad (4)$$

III тоифа βік$1{,}5/Ti$, аммо кўпи билан 2, $Ti < 0{,}2$ бўлганда эса қуйидаги формула бўйича

$$\beta_i = 1{,}5 + 2{,}5T_i \quad (5)$$

Барча холларда $K_\psi \beta_i$ боғланиш камида 0,8 этиб қабул қилинади.

K_ψ - материал кўриниши иншоотлар тузилиши ва сейсмик таъсирлар жадаллигига боғлик коэффициент бўлиб, тупроқ тўғонлари учун майдон сейсмиклиги 7,8 балл бўлганда 0,70 га тенг этиб, майдонлар сейсмиклиги 9 балл бўлишида-0,65га тенг этиб қабул қилинади.

η_{ikj} - иншоотнинг і тон бўйича унинг хусусий тебранишларида деформацияланиш шаклига хамда юкланиш жойлашган ерга боғлик коэффициент бўлиб қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\eta_{ikj} = u_{ikj} \frac{\sum_k Q_k \sum_{j=1}^{3} u_{ikj} \cos(u_{ikj} \wedge \overrightarrow{u_0})}{\sum_k Q_k \sum_{j=1}^{3} u_{ikj}^2} \quad (6)$$

Бунда u_{ikj} — k нуқталарнинг (jқ1, 2, 3) учта нуқталар бўйича ўзаро ортогонал йўналишларда кўчиш проекциялари;

$\cos(u_{ikj} \wedge \overrightarrow{u_0})$ — сейсмик таъсири вектори $\overrightarrow{u_0}$ сейсмического воздействия и перемеҳений u_{ikj} кўчиш орасидаги бурчаклар косинуслари.



Рис. 1. *1, 2, 3* — сейсмик хусусиятлари буйича мувофиқ равишдаги *I, II, III* тоифа тўпроқлари учун β*i*, (*Ti*;) динамиклик коэффициентининг спектрал графиклари

2.15. Бир ўлчамли схема бўйича хисобларда сейсмик юкланишларнинг горизонтал ташкил этувчисини аниқланишда (2формуладаги) оғма тарздаги сейсмик таъсир бўлмиш *A* катталикни 0,87 га кўпайтириш лозим, вертикал ташкил этувчисини аниқланишда эса 0,5 га кўпайтирилиб, $\beta_i \eta_{ik}$ қ 1 қиймат қабул қилинади.

2.16. Бир ўлчамли схема бўйича тўғон оғирлиги туфайли юзага келувчи хисобий горизонтал сейсмик юкланиш кўриб чиқилаётган кесимда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S_P = \sqrt{\sum_{i=1}^{n} S_i^2} \qquad (7)$$

бунда S_i - *i*–тон тебраниши учун ўша кесимдаги ҳисобий юкланиш бўлиб, қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S_i = S_{oik} = Q_k A \beta_i K_\psi \eta_{ik} \qquad (8)$$

S_{pk} сейсмик юкланиш ёки a_{pk} қ S_{pk} /Q_k тезланишларнинг g улушларда ифодаланган хисобларида, хисобга олинувчи хусусий тебранишлар шакллари (ХТШ) бир ўлчамли схема бўйича қуйидаги формуладан фойдаланиши лозим

$$S_{pk} = Q_k A K_1 K_2 \sqrt{\left(\cos\alpha - \sum_{i=1}^{n} \eta_{ik}\right)^2 + \sum_{i=1}^{n} \left(K_\psi \beta_i \eta_{ik}\right)^2}\ , \qquad (9)$$

қайсики тўғоннинг асос билан туташ доирасида инерцион юкланишга аниқлик киритади.

2.17. Тўғон оғирлиги туфайли юзага келган сейсмик юкланишларни хисоблашда икки ўлчамли ва уч улчамли схемалар буйича кияликлар турғунлигини синаш учун, қуйидаги формула билан аниқланувчи иншоотнинг *k* нуқталаридаги хисобий apk тезланишлардан фойдаланиш лозим:

$$a_{pk} = AK_1K_2\sqrt{\sum_{i=1}^{n}\left(K_\psi \beta_i \eta_{ik}\right)^2} \qquad (10)$$

Сейсмик тезланишлар қияликнинг сирғаниб тушаётган қисмининг алоҳида ажралган бўлими оғирлигига кўпайтирилади, бунинг натижасида хосил қилинган сейсмик таъсирлар мувофиқ равишда бўлимлар оғирлик марказларида қўйилган деб хисобланади хамда бўлимлар турғунлиги хисобларида квазистатик кучлар каби хисобга олинади.

2.18. Қоясиз асоснинг қисмини қамраш билан бажарилувчи иншоот қияликлари турғунлиги хисобларида, сурилувчи қисмга берилувчи инерцион юкланишларни AK_1 га тенг бўлган асос тезланишларида аниқлаш жоиз.

2.19. Бир ўлчамли схема тупроқ тўғонлари хисобларида, хусусий тебранишларнинг камида уч шакли хисобга олиниши, икки ўлчамли схема бўйича эса- камида 15 шакли хисобга олиниши лозим.

2.20. I-II синф тупроқ тўғонлари қурилишини асослашда (техник иктисодий хисоб ТИХ ва техник иқтисодий асослаш ТИА) хамда III-IV синф тупроқ тўғонлари лойихалаштиришда сейсмик юкланишларни аниқлаш учун фақат паст тондаги тебранишлар хамда иншоотларнинг шу тонга жавоб берувчи яқинлашган шаклларни хисобга олишга йўл қўйилади.

2.21. Тупроқ тўғонларнинг даврлари (частоталари) ва хусусий тебранишлар шакллари (ХТШ) хисоблари бир ўлчамли схема бўйича 2 мажбурий илова талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

I-II синф тупроқ тўғонлари учун даврлар ва хусусий тебранишлар шкалалари коэффициенти аниқлаш, қуйидагиларни хисобга олинишига имкон берувчи икки ўлчамли ва уч ўлчамли (Lгр/Нпл<4 бўлганда) хисоблаш схемалари бўйича хисобларни амалга ошириш орқали бажарилиши лозим.
Тўғонлар ва асослар хақиқий геометрияси: турли элементларнинг мавжудлиги тупроқлар динамик тавсифларининг динамик деформациялар статик кучланишлар ва амплитудаларга боғликлиги:

- асоснинг ишловга берилиши;
- сув омборини тўлдирувчи суюқлик билан ўзаро таъсири;
- бошқа омиллар.

2.22. Асос тупроғи ва тўғон жисми деформацияланишлари ўлчовдош бўлган холда, асоснинг шу қисмини тўғоннинг хисобий доирасига киритиш зарурдир.

2.23. Иншоотнинг сув ичига ботиб турувчи Q_k элементларининг оғирлиги сувнинг муаллақлаштирувчи таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда аниқланиши лозим. Бу элементнинг ғоваклари бўшлиқларидаги сувнинг оғирлиги қўшимча равишдаги оғирлик сифатида хисобга олиниши лозим. Сувнинг Q_k катталикга бўлган инерцион таъсирини ҳисобга олишда $m_в g$ га тенг булган қўшилган сув массаси оғирлигини қўшиши лозим.

Бунда $m_в$ — қўшилган сув массаси бўлиб 2.24.б кўрсаткичларига мувофиқ аниқланади;

g — оғирлик кучи тезланиши.

Сув сатҳидан пастда жойлашган, тўғонни бўлимларга ажратиш элементи оғирлиги бўлиб, сувга тўйинган деб қаралган холда ҳисобланади.

2.24. Сейсмик таъсирнинг горизонтал йўналишида, қиялик юзаси майдоннинг бирлигига тўғри келувчи қўшилган сув массаси $m_в$, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$m_B = \rho_B h \mu \psi \qquad (11)$$

бунда $\rho_в$ — сувнинг зичлиги;

h — иншоот қиялигидаги кўриб чиқилаётган нуқта олдидаги сув чуқурлиги;

μ — қўшилган сув массасининг ўлчамсиз коэффициенти бўлиб, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\mu_к = R \sin^3 \theta \qquad (12)$$

R – кўриб чиқилаётган сатҳ ости босимли ёқдаги (h) нуқтанинг чуқурлашишининг сув омбордаги (H) сув чуқурлигига бўлган нисбатига боғлиқ бўлган коэффициент h координатанинг бошланиши юқори бьеф белгисида.

h / H	0,1	0,2	0,3	0,4	0,5	0,6	0,7	0,8	0,9	1,0
R	0,23	0,36	0,47	0,55	0,61	0,66	0,70	0,72	0,74	0,74

θ - босим ёқнинг оғиш бурчаги;

ψ — сув омбори узунлигининг чекланганлигини хисобга олувчи ўлчовсиз коэффициент, ψк1.

2.25. Иншоот массаси туфайли хамда қўшилган сув массасининг жаъми сейсмик юкланишни аниқлаш қуйидаги ҳолатлар асосида амалга оширилади.

Иншоотлар тузилмаларининг хусусий тебраниш шакллари сувли мухитнинг таъсирини хисобга олиш ёки хисобга олмасликда бир хил мазмун касб этади.

Тузилмаларнинг хусусий тебранишлар даври сувли таъсирини хисобга олганда, (баландлиги, ўрталик юзаси бўйича ва х.к.) иншоот оғирлиги бир текисда тақсимланиш холларида қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$T_i^* = T_i \sqrt{1 + \frac{mb_i}{m}} \qquad (13)$$

Бунда T_i — тузилмаларнинг хусусий тебранишларининг сувли муҳит таъсири ҳисобга олинмаганидаги даври;

m — иншоот оғирлиги (узунлик, майдон, хажм бирлигига);

mb_i ҳ $\gamma_в h \mu_i \psi$ бир текисда тақсимланган инерцион таъсир бўйича эквивалент I қтон бўйича тебранишдаги қўшилган сув массаси.

Қўшилган сув оғирлигининг ўлчамсиз коэффициенти μ қиймати 2.24 да келтирилади.

Жаъми сейсмик юкланиш (иншоот оғирлиги ва қўшилган сув массаси туфайли) қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$S_{oik} = K_1 K_2 Q_k A \beta_i K_\psi \eta_{ikj}^* \qquad (14)$$

Бунда Q_k, A, K_1, K_2, K_ψ (1) ва (2) формуладаги каби маънога эга, β_i коэффициент 1 расмдаги графиклар бўйича ёки қўшилган сув массасининг ҳисобга олган ҳолда аниқланувчи T_i* даврларнинг миқдорига боғлик холда (3) ва (5) формулалар орқали қабул қилинади.

Сув муҳити таъсирини хисобга олинган ҳолдаги шакл коэффициенти қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\eta_{ikj_{ikj}}^* = u_{ikj} \frac{\sum_k (Q_k + \gamma_в h \mu \psi) \sum_{j=1}^{3} u_{ikj} \cos(u_{ikj} \wedge \overrightarrow{u_0})}{\sum_k Q_k \sum_{j=1}^{3} u_{ikj}^2} \qquad (15)$$

Бунда Q_k —k нуқтага нисбатлаштирилган иншоот элементининг оғирлиги;

$\gamma_в h \mu \psi$ - қўшилган сув оғирлиги.

2.26. 2.26. Тўғон чўққисининг ҳисобий сув сатҳидан юқори бўлишини тасдиқланишида ҳисобга олинувчи, $h \leq 100$ м чуқурликдаги сув омборида сейсмик таъсирдан юзага келувчи гравитация тўлқинининг баландлиги Δh, м,

тектоник бузилишлар доираларда унинг мавжуд бўлмаслигида, қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta h = AK_1T_0\sqrt{gh} \qquad (16)$$

Бунда g — эркин тушиш тезланиши.

T_0 — муҳандислик сейсмологик тадқиқотлар маълумотлари бўйича аниқланувчи сув омбори туби сейсмик тебранишларнинг устунликдаги даври, маълумотлар мавжуд бўлмаслигида эса T_0қ0,5с га тенг этиб қабул қилинади.

Чуқурлиги h>100 м бўлган сув омборининг тубида мавжуд ёриқлар бўйича Jқ6-9 балл жадалликдаги зилзилалар чоғида сейсмотектоник деформациялар (қўзғалиш ва сурилишлар) вужудга келиш эҳтимоли мавжуд ҳолларда гравитацион тўлқин баландлиги Δh, м, қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$\Delta h = 0{,}4 + 0{,}76(J - 6) \qquad (17)$$

2.27. Иншоотнинг босимли доираси бўйлаб йўналган сейсмик таъсирини ҳисобга олган ҳолда тупроқ тўғонларининг ҳисобларида сувли муҳит таъсирини ҳисобга олинмаслигига йўл қўйилади.

3. БЕТОН ВА ТЕМИРБЕТОН ТЎ/ОНЛАР

Умумий низомлар

3.1. Бетон ва темирбетон гидротехника иншоотлари: гравитацион, контрфорс ва аркали тўғонлар, шунингдек дамловчи деворлар, сув қабул қилгич, тиндиргич, сув чиқаргич ва шунга ўхшаш иншоотларни, охиргиларни хусусий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштиришда ушбу қисм талаблари ҳисобга олиниши зарур.

3.2. Бетон ва темирбетон гидротехника иншоотлари учун чегаравий ҳолатлар мувофиқ кўринишдаги гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш бўйича ҚМҚ боблари кўрсатмаларига мувофиқ равишда ўрнатилади.

3.3. Баландлиги 60м гача бўлган бир бутунлаштирилмаган кўндаланг чоклар орқали қирқилган гравитацион тўғонларнинг барча синфлари учун, шунингдек контрфорс тўғонларнинг иншоот ўқига кўндаланг йўналишдаги горизонтал сейсмик тасирларга бўлган сейсмик турғунликларни ҳисоблаш учун бир ўлчамли ҳисоб схемаси (қаттиқ асос устидаги таранг стержен консол) қўлланилиши лозим. Ҳисоб алоҳида бўлинма учун ёки тўғоннинг иншоот ўқи бўйлаб 1м қалинликдаги қисми учун бажарилиши лозим. Кўрсатилган хисобий схемадан шунингдек тўғоннинг ўқига кўндаланг

горизонтал, сейсмик таъсирларидаги бир бутунлаштирилган ва штрабланган кўндаланг чоклар (иншоотнинг фазовий ишини хисобга олмаган холда) билан бўлган гравитацион тўғонлар мустаҳкамлигининг яқинлаштирилган ҳолда баҳолаш учун фойдаланилади. Баландлиги 60 м.дан ортиқ I-II синф тўғонлари учун кўрсатилган ҳисоблаш схемасидан фақат (ТИХ ва ТИА) асослашлар бўлгандагина фойдаланиш мумкин.

Бетоннинг таранглик модулининг 5-10 ва ундан ортиқроқ асос деформацияси модулига бўлган нисбатларида, таранг консол схемаси ўрнига, таранг асос устига тебранувчи қаттиқ жисм схемасидан фойдаланилади.

3.4. Баландлиги 60 м.дан ортиқ гравитацион тўғонларнинг I-II синфлари учун кучланган-деформация ҳолатларини (КДХ) аниқлашда икки ўлчамли таранг асос устида текис таранг жисм схемадан фойдаланиши зарур. Бу схемадан шунингдек консол стержени схемаси каби ҳолатларда исталган синфдаги тўғонларни ҳисоблашда фойдаланилади.

3.5. Бир бутунлаштирилган ёки штрабелли кўндаланг чокли гравитацион тўғонлар сейсмик турғунлигини ҳисоблаш учун таранг асос устида 3 ўлчамли таранг жисм схемаси қўлланилиши лозим.

3.6. Контрфорс тўғонларнинг иншоот ўқи бўйлаб сейсмик таъсирларига бўлган ҳисобларида таранг асос устига таянувчи –плита схемасидан фойдаланилади. Бу ҳолда контрфорс тўғон бўлинмаси таранг асос устига ҳамда қўшни контрфорсларга таянувчи ўзгарувчан қалинликдаги плита деб қаралади.

Бу схемадан шунингдек бир бутунлаштирилган ёки штрабланган кўндаланг чокга эга бўлган тўғри чизиқ ўқли гравитацион тўғонларнинг иншоот ўқига кўндаланг сейсмик таъсирларига бўлган сейсмик турғунлигини ҳисоблаш учун фойдаланилади.

3.7. Аркали тўғонлар сейсмик турғунлигини ҳисоблаш учун таранг асос устига таянувчи ўранма- схемаси қўлланилиши лозим.

3.8. Минора туридаги иншоотлар сейсмик турғунлигини ҳисоблаш учун фақат кўндаланг эгилиш деформацияларини ҳисобга олиш етарли бўлишида стерженли консолли ҳисоб схемасидан фойдаланиши лозим.

3.9. Бетон ва темирбетон тўғонларининг статик мустаҳкамлик тавсифларидан фойдаланган ҳолдаги статик юкланишларга бўлган ҳисобларида ишлаш шароитлари коэффициенти қиймати 1,2 га тенг этиб қабул қилинилиши лозим.

Жойлаштириш ва тузилмаларга оид тадбирлар

3.10. I-II синф бетон ва темирбетон тўғонларини механик хусусиятлари бўйича кескин фарқ қилувчи жинсларидан иборат қарама-қарши қирғоқ қияликлари чегараларидаги ер қисмларида жойлашишида махсус асослаш амалга оширилиши лозим.

3.11. Бетон тўғонларни кесимлаш схемасини танлашда тўғон асосда ёки иншоотларнинг босим доирасининг сув ўтказувчанлигини бузмаган ҳолда улар қисмларини нисбий сурилишига йўл қўювчи тузилмаларни кўзда тутувчи қирғоқ қияликларида кучсизлашган доиралар мавжудлиги хисобга олиниши лозим.

3.12. Бетон тўғонлар сейсмобардошлигини ошириш юзасидан тадбирларга қуйидагилар киради:

иншоотнинг чўққиолди қисмидаги бетон ҳажмини енгиллаштирилган каллаклар тузилмасини қўллаш, контрфорслар жиҳозлаш ёки тўғон чўққисидаги йўлнинг ўтиш қисмини қувватлаб турувчи рамали тузилмадан фойдаланиш ҳисобига камайтириш;

аркали тўғонларнинг чўққиолди доирасида бўшлиқлар жиҳозлаш;

контрофорсларнинг қаттиқлигини ошириш ва улардаги динамик кучланишларни камайтириш учун контрофорслар оралиқларига

кўндаланг тиргак хариларини жиҳозлаш;

аркали тўғонларнинг юқори қисмида арматуралардан бўлган горизонтал антисейсмик белбоғлар жиҳозлаш.

математик услублардан фойдаланилган ҳолда тўғонлар профилини энг мақбул ҳолга келтириш;

юқори ва қуйи бъефлар томонидан пластик материал (масалан: битумли материаллар билан тўлдирувчи махсус вертикал чок қирқимларини жиҳозлаш);

аркали тўғон айланаси бўйлаб периметриал чок жиҳозлаш:

кучсиз асосларда тўғонларнинг туташ доираларини арматуралаш;

тўғон жисмида унда динамик кучланишлар тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда;

мустаҳкамлиги бўйича доиралаштириш.

3.13. Кема боғлаш иншоотлари қоидага кўра тупроқнинг бир томонлама босимга учрамовчи тузилмалар кўринишида барпо этилиши лозим. Бу шартни бажаришни иложи бўлмаса қоясиз асослар бўлишида анкерланган пўлат шпунтли деворлар, қояли асослар бўлишида эса гигант массивлардан деворлар қўлланилиши лозим. 7-8 баллик сейсмикликда шунингдек иншоотларнинг бир бутунликда бўлишини кучайтирувчи махсус тузилмавий тадбирларни бажариш билан оддий массивлардан иборат терилмалар асосидаги йиғма тузилмалар қўлланилади.

Деворлар ортига солиш учун мумкин қадар катта ички ишқаланиш бурчагига эга бўлган қум ва тошлар қўлланилиши лозим, тошли призмалар

юлуқ тошдан барпо этилиши мақсадга мувофиқдир. Девор ортига солинмалар ҳар қайси солинувчи қатламнинг зичлаштириши билан қатлам-қатлам тарзда амалга оширилиши лозим.

3.14. Дамловчи деворлар баландлиги пойдеворлар тагидан бошлаб ҳисобланганда, қуйидагилардан кўп бўлмаслиги лозим:

ҳисобий сейсмиклик 8 балл булганда –12 м;

9 балл булганда-10 м.

Дамловчи деворларни ҳар қайси бўлинмаси таглигини бир жинсли тупроқлар устида жойлашишини ҳисобга олган ҳолда узунлиги бўйлаб икки ёғи очиқ вертикал чоклар билан ажратиш жоиз. Бўлинма узунлиги 15м дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Дамловчи деворнинг қўшни бўлинмалари асосларининг турли баландликларда жойлашишида, асоснинг бир белгисидан бошқасига ўтиш камар баландлигини унинг узунлигига бўлган нисбати 1:2 каби камарлар тарзида амалга оширилиши лозим.

Дамловчи деворларни тескари ровоқлар кўринишида қўлланишга йўл қўйилмайди.

3.15. Минора туридаги иншоотларни сейсмик таъсирларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштиришда қуйидагилар тавсия этилади:

мувозанатловчи миноралрнинг шундай тузилмасини қабул қилиниши лозимки, қайсики уларда иншоотнинг хусусий оғирлиги туфайли устун келувчи масса ва сув массаси бир баландлик сатхда тўпланмаган бўлсин. Шу мақсадларда вертикал қаттиқлик қобиқлари орқали кучайтирилган стакан туридаги қобиқлар кўринишида лойиҳалаштирилувчи темирбетон миноларга афзалликни қаратилиши лозим.

минора устини бетонлаштиришда оралиқ чокларда бир бутун тарзда бетонланишини таъминлаш зарурлигига алоҳида эътибор берилади;

кўндаланг арматура (ҳалқасимон) стерженлари орасида шундай минимал қадам белгилаш лозимки, қайсики бунда миноранинг ўзгарувчан эгилиш деформацияларида узун стерженларининг бўртиб чиқиш эҳтимоллари истесно этилсин.

Сейсмик юкланиш ва таъсирлар

3.16. Бетон ва темирбетон тўғонларнинг сейсмобардошлик ҳисобларида қуйидаги сейсмик инерцион юкланишлар: қўшилган сув массаси туфайли гидродинамик босим;

чўкиндиларнинг динамик босими.

Тўғон чўққисининг ҳисобий сув сатҳидан ортиқ бўлишини белгиланишда сув омборида сейсмик таъсирлар туфайли вужудга келиши гравитацион тўлқин баландлиги ҳисобга олинади.

3.17. Ағдарилишга ёки сурилишга қарши турғунлик ҳисобларида, шунингдек горизонтал ва оғма консолли тузилмаларни ҳисоблашда вертикал сейсмик юкланиши ҳисобга олиниши зарур.

3.18. Оддий тузилмага эга бўлган ва вертикал йўналишдаги юқори қаттиқлиги билан ва бир ўлчамли ва икки ўлчамли схемалар билан ажралиб турувчи бетонли гравитацион тўғонлар мустаҳкамлигини ҳисоблашда фақат иншоотнинг ўқига узуна ва кўндаланг йўналган горизонтал сейсмик таъсирлар ҳисобга олинади.

3.19. Алоҳида таянчлар ва шунга ўхшаш иншоотлар вертикал текисликларда энг кам ва энг кўп қаттиқликдаги сейсмик таъсирларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланиши лозим.

3.20. Бетондан гравитацион ва аркали тўғонларнинг ҳисобларида алоҳида уйғунликга кирувчи бошқа кўринишдаги юкланишлар билан бир қаторда сейсмик юкланишларнинг горизонтал ва вертикал ташкил этувчилари ҳисобга олинади.

Аркали тўғонларнинг турғунлик ҳисобларида шунингдек иншоот томонидан қояли асосга узатувчи ва қиргоқ таянчларининг турғунлик ҳисоблари учун фойдаланувчи кучлар ҳам аниқланади.

3.21. Иншотлар турғунлиги ҳисобларида қоясиз асоснинг қўзғалувчи қисмига берилувчи инерцион юкланишлар асоснинг $АК_1$ га тенг бўлган силжиш тезланишларида аниқланиши лозим.

3.22. Бетон ва темирбетон тўғонларни бир ўлчамли схема бўйича ҳисобларида хусусий тебранишларнинг камида 3 шакли икки ўлчамли схема бўйича хисобларда эса камида 10 шакли ҳисобга олиниши лозим.

3.23. Минора туридаги иншоотларга таъсир этувчи сейсмик инерцион юкланишларни аниқлашда, хусусий тебранишларнинг камида уч шакли ҳисобга олиниши лозим. Бундан ташқари асоснинг таранг берилувчанлиги хусусан агар у қояли тупроқ ҳолида мавжуд бўлса ҳам, минорали иншоот пойдеворининг асос устида айланиши ҳисобга олиниши лозим.

3.24. Чегараловчи бандаргоҳ иншоотлари туридаги қаттиқ массивли иншоотлар устига, қоясиз асослардаги бетонли сув ташлаш тўғонларига берилувчи сейсмик юкланишлар таранг асос устидаги қаттиқ жисм каби аниқланиши лозим.

3.25. Танланган йўналишда тўғон оғирлиги Sik туфайли юзага келувчи k нуқтага қўйилган ва хусусий тебранишларнинг I-тонига мувофиқ келувчи

ҳисобий сейсмик инерцион юкланиш (1) ва (2) формулалар қуйидагича аниқланади;

Бунда K_1 — йўл қўйилувчи шикастликларни ҳисобга олувчи коэффициент, бетон ва темирбетон тўғонлар учун 0,25 га тенг қилиб олинади.

K_2— тизилмавий ечимларни ҳисобга олувчи коэффициент бўлиб, бетон ва темирбетон тўғонлар учун уларнинг баландлиги 60м.гача бўлганда-0,8; 100м.дан юқори бўлганда-1: Бу қийматлар оралиғидаги баландликларда эса чизиқли интерполяция бўйича қабул қилинади.

где Q_k — иншоот элементининг k нуқтага нисбатан оғирлиги, бунда 3,22 б. Кўрсатмаларга мувофиқ қўшилган сув массасини ҳисобга олиниши лозим.

A — коэффициент, унинг қиймати 7,8,9 балл ҳисобий сейсмиклик учун мувофиқ равишда 0,12; 0,24; 0,48 га тенг этиб қабул қилиниши лозим.

βi — иншоотларнинг хусусий тебранишларнинг I-тонига мувофиқ келувчи динамиклик коэффициенти.

Динамик коэффициенти βi (3),(4),(5) формулалар бўйича аниқланади. Барча ҳолатларда $K_\psi \beta_i$ кўпайтмалар камида 0,8 этиб қабул қилинади.

K_ψ - материаллар кўриниши, иншоотлар тузилмалари ҳамда сейсмик таъсирлар жадаллигига боғлик коэффициенти бўлиб, бетон ва темирбетон тўғонлар учун майдонлар сейсмиклиги 7-8 балл бўлишида 1га тенг этиб, майдонлар сейсмиклиги 9 балл бўлишида-0,8 га тенг этиб қабул қилинади.

η_{ikj} - иншоот деформацияси шаклига боғлик коэффициент бўлиб унинг i- тони бўйича хусусий тебранишларда ва юкланиш жойлашишида (6) формула бўйича аниқланади.

Бунда u_{ikj} — k - нуқталарнинг уч (jқ1, 2, 3) ўзаро ортогонал йўналишлари бўйича харакат проекциялари;

$\cos(u_{ikj} \hat{} \overrightarrow{u_0})$ — сейсмиклик таъсир вектори ҳамда u_{ikj} харакатлар йўналишлари ораларидаги бурчаклар косинуслари.

3.26. Сейсмик таъсирнинг горизонтал йўналишларида қиялик юзасининг майдони бирлигига тўғри келувчи қўшилган сув массаси $m_в$ (11) формула бўйича аниқланади:

Бунда $\rho_в$— сувнинг зичлиги;

h — иншоот олдидаги сувнинг чуқурлиги;

μ—2 ва 3 жадваллар бўйича аниқланувчи қўшилган сув массасини ўлчовсиз коэффициенти 2 ва 3 жадвалларда кўзда тутилмаган холатлар учун қўшилган сув массаси махсус ҳисоблар орқали аниқланади.

2 Жадвал

Иншоот ҳаракати	Коэффициентлар

тавсифи	μ	D	Ω	χ
1. $z_c \neq h$ бўлганда берилувчи асос устидаги вертикал босим ёқли деформацияланмайдиган иншоотнинг айланишининг тебраниши	$\frac{z_c R - \frac{2h}{\pi} G}{z_c - z}$	$\frac{z_c R - \frac{2h}{\pi} G}{z_c - h}$	$\frac{0.543 z_c - 0.325 h}{z_c - h}$	$\frac{0.325 z_c - 0.210 h}{0{,}543 z_c - 0{,}325 h}$
Шу каби z_cқ h бўлганда	-	$zR - \frac{4}{\pi} G$	0,436	0,528
Шу каби z_cқ0 бўлганда	$\frac{2}{\pi} G \frac{h}{z}$	$\frac{2}{\pi} G$	0,325	0,646
2. Деформацияланмайдиган иншоотларнинг горизонтал илгариланма харакати: вертикал босим ёқли оғма босим ёқли	R $R\sin^3\theta$	R $R\sin^2\theta$	0.543 $0.543R\sin\theta$	0.6 0.6
3. Деформацияланмайдиган вертикал босим ёқли V симон дарадаги иншоотларнинг горизонтал-илгариланма харакати	μ_1	Dқμ_1	-	-
4. Вертикал босим ёқли консол туридаги иншоотларнинг горизонтал эгма тебранишлари	$\frac{R + C_1(a-1)}{1 + C_3(a-1)}$	$R + C_1(a-1)$	-	-
5. Вертикал босим ёқли консол туридаги иншоотларнинг горизонтал сурилма тебранишлари	$\frac{aR - C_2(a-1)}{a - (a-1)\frac{z^2}{h^2}}$	$aR - C_2(a-1)$	-	-
6.Сув олиш миноралари туридаги алоҳида турувчи вертикал иншоотлари кўприклар таянчлари, кўндаланг кесими юмалоқ шаклдаги қозиқ оёқнинг горизонтал тебранишлари	$\frac{\pi}{4}\left(\frac{z}{h}\right)^{d_1/2h}$	$\frac{\pi}{4}\left(\frac{z}{h}\right)^{d_1/2h}$	$\frac{\pi}{4(1 + d_1/2h)}$	$\frac{2h + d_1}{4h + d_1}$

Иншоот ҳаракати тавсифи	Коэффициентлар			
	μ	D	Ω	χ
7. Шу каби кўндаланг кесимли квадрат шаклда	$\left(\frac{z}{h}\right)^{d_2/2h}$	$\left(\frac{z}{h}\right)^{d_2/2h}$	$\frac{1}{1+d_2/2h}$	$\frac{2h+d_2}{4h+d_2}$

Эслатма:

I. Коэффициентлар R, G, μ_1, C_1, C_2, C_3 — 13 жадвал бўйича қабул қилинади; z — босим ёқнинг нуқтаси ординати, қайсики унинг учи кўшилган сув массаси миқдори хисоблаб чиқилади (координаталар бошланиши сув юзаси баландлигида қабул қилинади); z_c - айланиш маркази ординатаси бўлиб сув муҳити таъсирини хисобга олмаган холда иншоот хисоби орқали аниқланади; θ — босим ёқининг горизонталга бўлган оғиш бурчаги; d_1 — кўндаланг кесим диаметри, м; d_2 — кўндаланг кесим квадратининг томони, м; а — сув муҳитининг AK_1 катталикга таъсирини хисобга олмаган холдаги тўғон хисобидан аниқланувчи чўққи тезланишининг нисбати.

2. Босим ёқининг оғиш бурчаги $\theta > 75°$ бўлган холатда, ўлчамсиз коэффициентлар қийматлари вертикал босим ёқ учун бўлгани каби қабул қилинади.

